2011-yil 22-noyabr № 139 (3020) seshanba

# Ishonch

Insonga naf keltirish – oliy baxt

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

**Моҳият**

**Ватан, халқ олдидаги бурчни англаш ҳам юксак маънавият белгисидир.**

Ислом КАРИМОВ

## Томорқа – хазина

***Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг республика аҳолисига Мурожаати юртдошларимиз томонидан кўтаринки кайфиятда кутиб олинди. Аҳоли ва деҳқон хўжаликларини томорқадан унумли фойдаланиб, эл дастурхонини noз-неъматлар билан тўлдириш, тўкин-сочинликни таъминлашга муносиб ҳисса қўшишга даъват этилган ушбу Мурожаат омилкор деҳқонларимиз, томорқа соҳиблари кўнглида кучли рағбат уйғотди. Бугунги кунда юртимизда ўз томорқасининг ҳар қарич еридан ризқ-барака ундириб, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга катта улуш қўшаётган, оиласи даромадини ошираётган элдошларимиз сафи кенгаймоқда. Қуйида ер билан тиллашиб, бебаҳо ноз-неъмат яратаётган ана шундай меҳнатсевар, уддабурон ҳамюртларимиз ҳақида ҳикоя қилинади.***

### Бир йилда уч марта ҳосил

Сайхунобод туманининг «Гулистон» сув истеъмолчилари уюшмаси ҳудудидаги «Зарбдор» маҳалласида 537 хонадон истиқомат қилади. Маҳалла аҳли томорқаларидаги ҳар қарич ердан унумли фойдаланади. Сабзавот ва полиз экинларидан олинган ҳосил хонадонларга қут-барака киритмоқда.

— Маҳалладаги ҳар бир хонадонда Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб 20 тупдан мевали кўчат ўтқазилди, — дейди маҳалла фаолларидан бири Малоҳат Бобобекова. — Янги ўтқазилган олма, гилос, ўрик, шафтоли кўчатлари қишлоғимизга файз киритмоқда. Куни-кеча Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг республика аҳолисига қилган Мурожаати эса хонадонларнинг томорқадан янада самарали фойдаланиши борасида улкан ташаббусни бошлаб берди.

Маҳалладаги Зебо Қурдошева, Қўшоқ Эшонқулова, Абдурашид Тоғаев, Эргаш Ортиқовлар хонадонлари ўз томорқаларидан бир йилда уч марта ҳосил олишга эришмоқда.

**(Давоми 2-бетда)**

*«Устоз — шогирд» тизими амалда*

## Бугунги талаба — эртанги мутахассис

Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддаси**




*Ёшларни иш билан таъминлашда ишлаб чиқариш муассасалари ва ўрта махсус билим масканлари билан ҳамкорлик ўрнатилгани яхши самара бермоқда.*

*Ўқув даргоҳимизда ҳам «устоз-шогирд» анъанаси асосида Бағзоғон масъулияти чекланган жамияти билан амалий алоқалар боғланган. Бу ерда талабалар амалий машғулотлар ўташади. Уларга олган билимларини бевосита иш жараёнида мустаҳкамлашлари учун барча шароит мавжуд.*

*Амалдаги йилда ўқув масканини 372 нафар ёшлар тамомлади. Уларнинг 350 нафари ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилди. 12 нафар ўқувчи эса мамлакатимиздаги турли олийгоҳларга ўқишга жойлашди.*

*Бошланғич ташкилот аъзолари ва уларнинг оилаларига имкон қадар шароит яратиб беришга интилиб келаяпмиз. Жамоа шартномаси бўйича ҳар бир ходимга ўртача 118 минг сўмдан моддий кўмак кўрсатилди. Шунингдек, ўқувчиларни амалиётга жалб этган ҳолда коллежимиздаги мавжуд агрегатлардан фойдаланиб мева ва сабзавотлардан салқин ичимликлар, мурабболар ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз. Жамоа аҳли ва ўқувчилар таълим даргоҳида тайёрланган маҳсулотлардан баҳраманд бўлиб келаяпди.*

**Маҳзуна ЖЎРАЕВА,**
**Тойлоқ туманидаги агротадбиркорлик коллежи бошланғич касаба уюшма ташкилоти етакчиси.**

**Суратларда:** *Колллеж ҳаётидан лавҳалар.*
**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**







## Янги кун янгиликлари

### Хоразм

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилган икки қаватли меҳмонхона «Ҳаёт» деб аталди. Меҳмонхона 39 хонадан иборат бўлиб, 72 ўринга мўлжалланган. Бу ерда барча қулайликлар, жумладан, шинам ошхона, дам олиш хоналари, спорт майдончалари мавжуд. 25 нафар йигит-қиз жаҳоннинг турли мамлакатларидан, республикамиз вилоятларидан келаётган меҳмонлар хизматига камарбаста.

Улар орасида инглиз ва бошқа хорижий тилларни пухта ўзлаштирганлар талайгина.

### Самарқанд

*Саломатлик лойиҳалари доирасида амалга оширилаётган ишлар самараси ўлароқ, вилоятда 575 та даволаш-профилактика муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Айни чоғда 400 дан зиёд ҚВП, юздан ошиқ оилавий, болалар ва ўсмирлар ҳамда стоматология поликлиникалари, диспансерлар аҳоли хизматида. «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида янгитдан барпо этилган ҚВПлар 6,5 миллиард сўмлик замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Жорий йилнинг ўтган 6 ойида Самарқанд шаҳридаги 3 та туғруқ мажмуаси, Нарпай, Пастдарғом туманлари қошидаги туғруқхоналарга 650 миллион сўмлик зарур жиҳозлар ўрнатилди.*

### Навоий

*Кармана туманида етти хазинанинг бири саналмиш паррандачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Жорий йилнинг сўнгги чорагида тухум ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Сунбула-Кармана» хусусий корхонаси, «Шамс-Жамол» ишлаб чиқариш корхонаси, «Равшан» фермер хўжалиги ташкил этилди. Улар бир кеча-кундузда мижозларга 34 минг дона тухум етказиб бериш имкониятига эга бўлиб, ушбу субъектлар лойиҳаси учун «Агробанк» 290 млн. сўм кредит ажратди. Қолган 360 млн. сўмлик сарф-харажатлар тадбиркорларнинг ўз маблағлари ҳисобидан қопланди.*

### Андижон

*Андижон вилоятининг энг чекка шаҳарларидан бири Хонобод мустақиллик йилларида ўзгача чирой очди.*

*Айниқса, жорий кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида шаҳарда янги-янги корхоналар ишга туширилди. Ўтган 9 ой давомида 43 та кичик корхона 116 та якка тартибдаги тадбиркор,105 та юридик шахс мақомига эга бўлмаган деҳқон хўжаликлари ташкил этилди. Натижада, 361 та янги иш ўринлари яратилди. Бу эса шаҳар аҳолисини муқим иш ўрни билан таъминлаш ва аҳоли дастурхонининг янада тўкин бўлишига сабаб бўлмоқда.*

### Қашқадарё

*«Ҳисоролди нефт ва газ қидирув экспедицияси» шўъба корхонаси тасарруфидаги Шимолий Шўртан 18-қудуқ 2-майдон ишчилари ер қаърининг 3698 метр қисмигача бурғулаш ишларини амалга ошириб, нефт захирасининг «кўзини» очдилар.*

*— Янги коннинг фойдаланишга топширилишида технолог Тўлқин Ҳайитов, оператор Абдушукур Файзуллаев каби фидойи хазинатопарларнинг хизмати каттадир, — дейди шўъба корхона бош технологи, «Дўстлик» ордени соҳиби Отабек Бозоров. — Фидойи ишчилар, инженер техник ходимларимиз янги-янги конларни ишга тушириш йўлида астойдил меҳнат қилишмоқда. Бурғулаш юмушлари Хитой давлатида ишлаб чиқарилган технологиялар воситасида амалга ошириляпти.*

*Ишчилар учун ҳамма шароитлар яратилганлиги меҳнат унумдорлигини янада кўтариш имконини бермоқда.*

*Анжуман*

## Қонун лойиҳаси муҳокамада

**Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди «ОАВларнинг молиявий барқарорлиги ва иқтисодий эркинлигини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари» мавзусида илмий-амалий анжуман ташкил этди. Унда ОАВ, «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-кувватлаш кафолатлари тўғрисида», «Оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий асослари тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича эксперт гуруҳлари, «Ўзбекистон почтаси», «Матбуот таркатувчи» ОАЖ, соҳага оид олий таълим муассасалари вакиллари қатнашдилар. Йиғилганлар янги қонун лойиҳалари юзасидан фикр алмашишди.**

— Мамлакатимизда матбуот соҳасини ислоҳ қилиш, сўз эркинлиги принциплари ва фуқароларнинг ахборот олишга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш борасида босқичма-босқич ишлар амалга оширилмоқда, — деди анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори ўринбосари, «Оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий асослари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича 3-эксперт гуруҳи раҳбари Рўзмат Сафаев. — Хусусан, журналистларнинг эркин фаолият юритиши, ахборот олиш, сўз эркинлигини таъминлаш, янги нашрларни рўйхатга олиш борасида зарур қонунчилик механизмлари ишлаб турибди. Ҳозирда «ОАВларнинг иқтисодий асослари тўғрисида»ги янги қонун лойиҳаси тайёрланган. Унда таҳририят мол-мулки, унинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши, ОАВларнинг иқтисодий мустақиллиги кафолатлари ва бошқа қатор масалалар назарда тутилган.

Жумладан, таҳририят мол-мулкни шакллантириш, муассис томонидан ажратилиши зарур бўлган маблағлар, устав фонди, инвестиция ва бошқа молиялаштириш манбалари аниқ кўрсатиб ўтилган.

«Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси эса ОАВларга солиқ имтиёзлари бериш, уларнинг моддий-техник базасини шакллантиришда давлат томонидан кредитлаш, журналистларни моддий рағбатлантиришни янада такомиллаштириш, уларнинг манфаатдорлигини ошириш борасидаги қатор бандларни ўз ичига олади. Шунингдек, қоғоз харид қилиш, замонавий технологияларни олиб киришда божхона имтиёзлари, босма ОАВ маҳсулотларини тарқатишда мамлакат бўйлаб бир хил нархларни таъминлаш масалаларини қамраб олган.

— Марказий нашрларга обуна бўлишда турли тушунмовчиликлар келиб чиқмоқда, — дейди Фарғона вилоятидан келган журналист Холиқназар Жўрабоев. — Уларнинг обуна нархлари вилоятларда турлича. Бу, аввало, йўл харажатлари билан боғлиқ. Баъзан йўл харажати нашр таннархининг 40 фоизигача кўтарилаяпти. Қонун лойиҳасида ушбу жиҳат эътиборга олинса яхши бўларди. Шунингдек, газета ва журналларда чет муаллифларнинг иштирок этиши, уларга қалам ҳақи ёзилишида қатор муаммолар мавжуд. Мухбир солиқ идорасидан СТИР ва яна бошқа ҳужжатларни олиб келиши керак бўлади. Лойиҳа қалам ҳақи бериш масаласини соддалаштиришни ҳам ўз ичига олиши керак.

**У. ИБОДИНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

*Тадбир*

***Юртимизда аёлни улуғлаш, жамиятдаги нуфузини оширишга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Яқинда Турин политехника университетида республикадаги олий ўқув юртлари ва пойтахт туманлари хотин-қизлар қўмитаси раислари ҳамда оммавий ахборот вакиллари иштирокида «Хотин-қизлар қўмиталари фаолиятининг моҳияти ва унда бошланғич ташкилотларнинг ўрни» мавзуида семинар ташкил этилди.***

## Имкониятлардан унумли фойдаланиб

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира Боситхонова маъруза қилиб, ташкилотнинг истиқлол йилларидаги фаолиятига атрофлича тўхталиб ўтди. Жумладан, 1991 йил 27 декабрдаги Термиз конференциясида Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ташкил топиб, шу кундан эътиборан ушбу жамоат бирлашмаси ихтиёрий асосда ташкил этилган ўзини ўзи бошқарадиган нодавлат нотижорат ташкилот ҳисобланиши белгилаб қўйилганди. Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонидан сўнг ташкилот фаолияти янги босқичга кўтарилди. Фармон шарофати билан Ўзбекистон хотин- қизлар қўмитаси раисига Бош вазир ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси раисига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши раисининг ўринбосари, Тошкент шаҳри ва вилоятлари, туман-шаҳар хотин-қизлар қўмиталари раисларига ҳоким ўринбосари мақоми берилди.

Жорий йилнинг сентябридан бошлаб қўмита томонидан бирламчи ташкилотларнинг фаолиятини янада жонлантириш борасида кенг миқёсда иш олиб борилди. Натижада маҳалла, ўқув муассасалари, ташкилот ва корхоналар хотин-қизлар қўмиталарининг бошланғич ташкилотлари рўйхатдан ўтказилиб, қайта тузилди. Бугунги кунда мазкур тизимда 41848 тадан ортиқ бошланғич ташкилотлар фаолият юритмоқда.

Семинарда ташкилот фаолиятини юксалтириш мақсадида давлатимиз томонидан яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиш учун қилиниши лозим бўлган ишлар борасида таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди. Тизим фаолиятидаги муаммо ва камчиликлар ҳам таҳлил этилиб, уларнинг олдини олиш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

**Дилором АЛЛАҚУЛОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

# Бир йилда уч марта ҳосил

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тўлқин Мисиров хонадонига қарашли томорқада 2000 туп терак кўчати ўсаётир. Хонадон соҳиби кўчатларни Фарғона водийсидан олиб келган. Тўлқин ака тераклар орасига 2000 туп помидор кўчати экиб, ундан катта даромад олди. Очил Эшонқулов эса томорқасида мўъжазгина боғ барпо этди. Бу ердаги 2000 туп анорзор ҳар йили оилага катта фойда келтирмоқда. Анорзор четида эса мевали дарахтнинг барча турини учратасиз. Улар ҳар йили шиғил мева беради.

«Зарбдор» маҳалласида томорқадан унумли фойдаланаётган ишбилармон, тадбиркор инсонлар кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг саъй-ҳаракати туфайли ҳудуд тобора гўзаллашиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги ўсиб бормоқда.

**Анорбой НОРҚУЛОВ**

# Қут-барака манбаи

***Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг республика аҳолисига Мурожаати 600 дан ортиқ хонадон истиқомат қилувчи маҳалламиз аҳлини руҳлантириб юборди.***

Дарҳақиқат, томорқа — кони фойда. Маълумотларга қараганда, вилоятимизда 190 минг хонадонга томорқа ажратилган. Ана шу экин майдонларидан фойдаланиш ҳали талаб даражасида эмас.

Маҳалламизда томорқалардан фойдаланишда катта тажриба тўпланган. Ҳар бир хўжалик ўзига ажратилган экин майдонининг ҳар қаричидан унумли фойдаланаяпти. Бу билан оилага қут-барака, даромад олиб кирилмоқда.

Ҳовлимизда беш сотих майдонга иссиқхона қурганмиз. Ҳар йили ўғлим Муродбек ҳамда келиним ва набираларим билан биргаликда помидор, бодринг, турли кўкатлар етиштирамиз. Томорқамиздан бу йил олган даромадимиз етти миллион сўмни ташкил этди.

Ён қўшниларим Ҳикматилла Умрзоқов, Тўлибой Тўйчиевлар ҳам ўз томорқаларида саримсоқпиёз етиштириб, мўмай даромад олишга эришаяпти.

**Соли бобо ИСЛОМОВ,**
**Жиззах шаҳар «Зилол» маҳалласида яшовчи меҳнат фахрийси, 95 ёш.**

# Мақсад — дастурхонимиз тўкинлиги

***Яқинда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашида бўлиб ўтган йиғилишда юртимизда томорқа хўжалигини ривожлантиришга доир долзарб сиёсатда касабақўм фаоллари ҳам ҳокимликлар, маҳаллаларга елкадош бўлиши лозимлиги кўрсатиб ўтилди.***

Азал-азалдан Кармана туманининг «Жалойир» қишлоғи ўзининг ширин-шакар «Бўрикалла» қовунлари ва витаминга бой мева-сабзавотлари билан машҳурдир.

— Жалойирликлар томорқадан фойдаланишнинг тобини олишган, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Пўлат Абдуллаев. — Маҳалламиздаги 718 та хонадонда 64,8 га томорқа ерлари мавжуд бўлиб, аксарияти йилига икки уч маротаба ҳосил олади. Бугунги кунда қайси хонадонга кирманг, соҳибкорлар етиштирилган сабзи, шолғом, турп, пиёзларни қишга захира қилиш билан машғул эканлиги устидан чиқасиз. Махсус ўралар қазилиб, ҳосилни кейинги мавсумгача беталофат етказиш чоралари кўрилмоқда.

«Шибзон» маҳалласидаги Комил Очилов хонадонига кириб кўнглимиз янада кўтарилди. Ҳосилдан бўшаган ерлар ағдарилиб, дарахтларга шакл берилган. Ҳовли четида 2 сотихли мўжазгина иссиқхонадаги лимон дарахтлари ҳосилга кириб, мевалари кўзни қувонтиради. Дарахтлар остида кўкатлар барқ уриб ўсган.

— Шу йил 8 млн. сўм даромад қилишни режалаштираяпмиз, — дейди биз билан суҳбатда хонадон соҳиби К.Очилов.

Навоий вилоят тармоқ касаба уюшма кенгашлари раислари томорқа маданиятини юксалтириш, бўш ётган томорқалардан унумли фойдаланиш кони фойдалигини эл орасида тушунтириш мақсадида ишчи гуруҳларига бўлиниб, маҳалла фаоллари билан тарғибот-ташвиқот ишларини бошлаб юборишди.

**Ш.ХАЛИЛОВ**
**Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Навоий вилоят кенгаши раиси**

Касаба уюшма тадбири

***Ёшларни қўллаб-қувватлаш, иқтидорини юзага чиқариш бизда ҳар доим устувор аҳамият касб этган. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши «Устоз-шогирд» тизимини шакллантириб, коллеж битирувчиларига ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак бераётгани фикримиз далилидир.***

# Меҳримиз сенга, келажак авлод!

Куни кеча Наманган вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг катта мажлислар залида бўлиб ўтган Халқаро талабалар куни муносабати билан «Меҳримиз сенга, келажак авлод!» номли мусиқали тадбир ҳам ёшларга берилаётган эътибор намунасининг бир тимсоли бўлди. Унда вилоятдаги олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда таҳсил олаётган талаба-ўқувчилардан 120 нафари таклиф этилди.

Бирлашма раиси Зулайҳо Маҳкамова йиғилганларни самимий қутларкан, истиқлол фарзандлари Президентимиз, Ҳукуматимиз томонидан билим ва иқтидорларини намойиш этиши учун барча қулайликга эга бўлган шароитда таҳсил олаётгани, бундай эъзозга мушарраф бўлган ёшларни ҳар қачонгидан фаолроқ бўлишга ундади.

Талабаларни ўрта махсус касб-ҳунар коллежлар бошқармаси бошлиғи Олимжон Саримсоқов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши раиси Жаҳонгир Нодиров, вилоят Адлия бошқармаси мутахассиси Мирзакарим Тиллабоев, Учқўрғон педагогика коллежи директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси Дилором Эсанбоева, Ўзбекистон халқ таълими ўқитувчиси, шоира, меҳнат фахрийси Санобар Бобоназарова табриклашди.

Санъат коллежи ўқитувчи ва ўқувчилари томонидан ижро этилган қўшиқлар даврага янада файз киритди. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари томонидан топширилган эсдалик совғалари шодланган дилларга кўтаринкилик бағишлади.

**Феруза ЭРМАТОВА,**
**Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси мутахассиси**

# 2011 йил — Кичик бизнес ва




## Ўзимизда ишлаб чиқарилган

Балиқчи туманида фаолият юритаётган «Қувват-ул камол» хусусий фирмаси мактаб ўқувчилари учун спорт формалари ва анжомлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ҳозир корхонада 15 хилдан ортиқ маҳсулот тайёрланмоқда. Аҳил жамоанинг 12 нафар ходими касаначилик усулида фаолият юритади.

Фирманинг сифатли маҳсулотларига талаб кун сайин ортиб, Тошлоқ, Фарғона, Наманган ва Қўқон шаҳарларидан ҳам буюртмалар олинмоқда.

Жамоанинг ишбилармон раҳбари Наврўзбек Ҳамроқулов «Ташаббус — 2011» кўрик-танловининг «Энг яхши тадбиркор» номинациясида вилоятда II ўринни эгаллади.

***Суратда: сотувчилар Гуллола Яхшибоева ҳамда Гулбаҳор Кўчқоровалар фирма маҳсулотларини сотиш жараёнида.***

**Абдуносир КЎЧҚОРОВ олган сурат**

## Ишбилармон кишилар

***ЎзКУФК ўқув марказида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари иштирокида семинар-тренинг ўтказилди. У Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг 2011—2013 йилларга мўлжалланган Бош келишувига асосан ташкил этилди.***

«Тадбиркорликни ривожлантириш мамлакат, корхона ва шахсга нима беради?», «Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда тадбиркорликнинг роли» каби мавзулардаги маърузалар тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, улар «Бозор кўникмаларини ривожлантириш» ҳамда «Ўзингни англа» психологик хизмат кўрсатиш марказларида амалий машғулотларда қатнашиб, тадбиркорлик фаолиятини қонунчилик орқали тартибга солиш масалалари юзасидан тегишли йўл-йўриқ ва маслаҳатлар олишди.

***Бозоримиз замонавий савдо комплексига айланмоқда. Касабақўм етакчиси сифатида аъзоларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилаяпман. Уларга қулайлик яратиш мақсадида «Санблок» маиший гигиеник хизмат кўрсатиш шохобчасини ташкил этдим. Бу ерда душ, сартарошхона, гўзаллик салони ва ҳоказолар улар хизматида.***

## Манзурахон «санблоки»

Бундан ташқари, спортга катта эътибор қаратиляпти. Расталараро волейбол, футбол, шахмат-шашка ишқибозлари гуруҳлари тузилиб, қизиқарли мусобақалар ўтказилаётир.

Айтиб ўтганимиздек, буюм бозори ўрнида замонга мос савдо дўконлари комплекси бунёд этилаётир. Бу эса қўнимсиз якка тартибдаги тадбиркорларнинг муқим бир жойда ишлашини таъминлайди. Пировардида уларнинг улкан жамоаси юзага келади. Ўз-ўзидан, касаба уюшмага жалб этиш учун олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам осонлашади.

**Манзура ҲАСАНОВА,**
**Қарши буюм савдо дўконлари комплекси бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси, «Санблок» маиший гигиеник хизмат кўрсатиш шохобчаси раҳбари**

## Касабақўм хусусий корхонаси

***Давр талабидан келиб чиқиб бозоримизда реконструкция ишлари амалга оширияпти. Очиқ савдо расталарини замонавий турғун савдо дўконларига айлантириш, савдо комплекси бунёд этиш ишлари жадал давом этмоқда. Бу савдо қилувчиларга ҳар жиҳатдан қулайлик туғдиради. Қолаверса, қўнимсизлик бартараф этилиб, муқим иш ўрни яратилади. Натижада эса катта қатламни ташкил этувчи савдо ходимларини касаба уюшма аъзолигига тортиш масаласи енгиллашади.***

Айни пайтда якка тартибдаги 7 мингдан зиёд тадбиркор фаолият юритаётир. Уларни касаба уюшма аъзолигига жалб этсак, тасаввур қилинг-а, сафимиз қанчалар кенгаяди. Ҳозирча 20-30 нафар кишини аъзоликка қабул қилдик.

Жамоамиз 120 нафар ишчи-ходимдан иборат. Жамоа шартномасида уларнинг манфаат ва ҳақ-ҳуқуқлари тўла кафолатланган. Ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари дам олиш этиб белгиланган. Уларнинг саломатлиги эътиборимизда. Жумладан, аъзоларимиз «Косонсой», «Чортоқ» ва бошқа сиҳатгоҳларда соғлиғини тиклаб қайтишаётир.

Ўзим ҳам шаҳримизнинг сўлим бир гўшасида овқатланиш шохобчаси очиб, 20 кишини иш билан таъминладим. Бу ерда бир пайтнинг ўзида 100-150 хўрандага хизмат кўрсатиш имкони мавжуд. Бошланғич касаба уюшма ташкилоти тузиб, ишловчиларимизнинг ҳақ-ҳуқуқ ва манфаатларини жамоа шартномасида акс эттирдик.

**Боймирза ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**Андижон шаҳридаги Жаҳон бозори ОАЖ бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси, «Анис — Милано Алчин» хусусий корхонаси раҳбари**

## Попкорм қадоқлайман

***Тадбиркорларга кўрсатилаётган эътибор ва яратилаётган имкониятлар кўнглимизни тоғдек юксалтирмоқда. Шароитимдан келиб чиқиб, умумий овқатланиш шохобчаси очдим. Рости, осон кечгани йўқ. Ҳаракат бўлса, барака ҳам бўй кўрсатар экан.***

Деҳқон бозори ҳудудидаги шинам ошхонамда бир пайтнинг ўзида 30-40 нафар хўранда овқатланиши мумкин. Моҳир пазандалар тайёрлаётган таомларни истаб, Нукуснинг чеккаларидан келадиганлар ҳам топилади. Ҳозирда 10 кишини иш билан таъминлаганмиз. Комютер-интернет, нусха кўчириш ва пайнет шохобчаларида эса яна икки ишчи ишлайди.

Келгусида ўз ишлаб чиқаришимга эга бўлишни истайман. Дўконлар билан тузилган шартномага асосан маккажўхори, попкорм қадоқлашни режалаштиряпман. Кейинчалик эса тадбиркорлик фаолиятимни янада кенгайтириш ниятим бор.

Иш юришиб, жамоамиз ҳам кенгайиб бораяпти. Демак, шароитнинг ўзи бошланғич касаба уюшма қўмитасини тузишни тақозо этаётир. Яқинда бу масала ечимини топади.

**Жаниш ХОЖАНОВ,**
**Нукус шаҳридаги «Жаниш Нукус» хусусий корхонаси раҳбари**

***2003 йилдан буён воҳамиз аҳлига баҳолаш хизмати хизмат кўрсатяпмиз. Ҳудудимизда яна учта шу турдаги компания мавжуд бўлса-да, арзон, тез ва сифатли хизмат кўрсатаётганимиз боис буюртмачиларимиз сони кун сайин ошаётир.***

## Тез, арзон ва сифатли

Ходимларимиз 6 кишидан иборат. Ҳозирча касаба уюшма ташкилоти тузганимиз йўқ. Бироқ ходимларимиз сафи кенгайиши ўз-ўзидан касаба уюшма ташкилотига эҳтиёж туғдиради.

Семинардан тўла қониқиш ҳосил қилдим. Ажойиб ишбилармон кишилар билан яқиндан танишиб, кўп нарсани кашф қилгандек бўлдим. Ўз соҳасининг билимдонлари бизни талай маълумотлар билан таништиришди.

**Очилбек ЖУМАНИЁЗОВ,**
**«Хоразм — Баҳолаш» хусусий компанияси раҳбари**

***Асли автомобил йўллари муҳандисиман. Истиқлол шабадаси қалбим қаърида мудраб ётган ҳисларни уйғотди. Фермерлик ҳаракати бошланганида, четда қараб туролмадим. Ишнинг кўзини биладиган шериклар билан ғалла, пахта экдик, чорвачилик билан шуғулландик. Тажрибамиз ортгани сайин ўз-ўзидан янги фикрлар, ғоялар туғилаверди.***



## Олдимдан оққан сувнинг қадри бор

Хўжалигимизни ўғлим Солижон Ибрагимов раҳбарлигидаги «Солижон Ибрагимов» фермер хўжалигига айлантириб, уни паррандачиликка ихтисослаштирдик. Ҳозир бу ерда 2000 та зотли парранда парвариш қилинмоқда. Аввал жўжалар Бухоро вилоятидан келтириларди. Зарур технология сотиб олиб, инкубаторда жўжа очдиришни йўлга қўйдик. Шу тариқа 65 мингта жўжа аҳоли ва фермер хўжаликларига сотилди. Жорий йилда ҳам буюртмачиларга 30-40 мингта жўжа етказиб бериш режалаштирилган.

Яна бир ўғлим балиқчиликка мўлжалланган хўжаликка бош-қош. 2 гектарлик сув ҳавзасида харидорбоп турли балиқлар етиштирилиб, истеъмолчиларга етказиб берилаётир.

Айтганча, қишлоғимиз Сайхунобод туманининг сўлим масканида жойлашган бўлиб, иқлими мўътадил, табиати ғоятда фусункор. Айниқса, муздек, зилол чашма сувини ичганнинг баҳри дили очилади. Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, деганларидек унинг шифобахшлик хусусиятини билмас эканмиз. Бир неча йил олдин юрак хуружи ва яна бир хасталикни бошдан ўтказдим. Ўғилларим кўрсатмаган шифокору табиб қолмади. Шу сув дардимга даво бўлди. Унинг таркибида калий, кальций, магний, гидрокорбонат сингари инсон саломатлиги учун фойдали минераллар бор экан. Миям яшин тезлигида ишлай бошлади. Эҳ-ҳе... қанчадан-қанча дори-дармонларнинг ўрнини босадиган табиий сув ёнгинамизда беҳуда оқиб, ер қаърига сингмоқда. Демак, ундан фойдаланишни йўлга қўйиш лозим...

Шу тариқа «Сайхунобод сув таъминоти» хусусий корхонасига асос солдим. Айни пайтда махсус идишларга қадоқланган «Шифо» минерал сувларини кўплар севиб истеъмол қилмоқда. Ҳозирда шифобахш сув билан даволайдиган «Работ» шифо маскани бунёд этиш, шунингдек, хорижлик сайёҳларни Сайхунободнинг жаннатвор боғ-роғлари, дилбар табиати билан яқиндан таништириш учун экотуризм ташкил қилишни мақсад қилганман. Ажабмас, ушбу ниятларим ҳам амалга ошса...

ЎзКУФК ўқув марказидаги беш кунлик семинардан кўп нарса олдим. Назаримда, бундай ўқувларни тез-тез ўтказиб туриш ҳамда уларга кўпроқ ёш тадбиркорларни жалб этиш зарур.

**Бахтиёр ИБРАГИМОВ,**
**Сайхунобод туманидаги сув таъминоти хусусий корхонаси раҳбари**

# Қишда ҳам ёздагидек

**Қашқадарёнинг Китоб тумани вилоятнинг 60-65 фоиз узуми, 30-35 фоиз сабзавотини етиштириб беради. Жорий йилда 64 минг 394 тонна сабзавот, 12 минг 654 тонна мева, 33 минг тонна узум, 40 минг 693 тонна картошка тайёрлаш мўлжалланяпти.**



Тоғли маскан деҳқонлари эл дастурхонини қишда ҳам палакдан янги узилгандек экологик тоза мева-чевалар билан тўкин қилиш учун пухта ҳозирлик кўрмоқдалар.

— Ҳозиргача фермер хўжаликлари ва корхоналаримизда 2 минг тонна мева-сабзавот махсулотларини асрайдиган тўртта совутгич мавжуд эди, — деди туман ҳокими Узоқ Худойқулов. — Бултур «Боғизор Варганза» фермер хўжалигининг Россияда тайёрланган совутгичларида 120 тонна олма сақланиб, қиш чилласида савдо тармоқларига чиқарилди.

Жорий йилнинг ўзида «WECAM AGROTEXSERVIS» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси билан тумандаги фермер хўжаликлари ўртасида 17 та 20 тонналик, 3 та 10 тонналик сиғимли музлаткичларни харид қилиш юзасидан 914,3 миллион сўмлик 15 та шартнома имзоланган эди.

Мева-сабзавот сақлашнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида 2011 йилда 11 та йирик лойиҳа асосида 7000 тонна маҳсулотни асраш қувватига эга музхонали омборлар қуриш дастури ишлаб чиқилган.

Ҳозирга қадар чет элдан 1400 тонналик 3 та совутгич келтирилди, «Гўзал савдо сервис», «Китоб фреш-фруктс», «Дуоба» сингари хусусий фирмалар раҳбарларининг саъй-ҳаракати билан бундай совутгичлар ўрнатилди.

«Гўзал савдо сервис» хусусий корхонаси раҳбари Элмурод Холиқовнинг таъкидлашича, 121750 АҚШ долларига Москвадаги Россия — Франция қўшма корхонасидан Франциянинг «Рефдорс» ва «Битжер» компанияларида ишлаб чиқарилган совутгичлар ҳамда Германиянинг «Гунтнер» фирмасидан совутгич парраклари олиб келинди. Бу қурилмалар йил бўйи 600 тонна маҳсулотни сақлашга мўлжалланган.

— Илгари катта сиғимли музлаткичлар тайёрлов ташкилотларида ҳам бўлмаган, — дейди биз билан суҳбатда «Боғизор-Варганза» фермер хўжалиги раиси Қурбоназар Қўйлиев. — Мустақиллик шарофати билан биз деҳқонлар маҳсулотларни йил бўйи истеъмолчиларга етказиб бериш имкониятига эга бўлдик.

**Иззат ҲИКМАТОВ**

# хусусий тадбиркорлик йили



# Истиқбол режалари салмоқли

Эрта тонгданоқ «СулШерЖаҳон» хусусий корхонаси омбори дарвозаси олдида автоуловлар турнақатор тизилади. Ҳар ким шартнома асосида ўзига керагича гўшт ва сут маҳсулотлари олади.

Бухоро шаҳрида ушбу йўналиш бўйича фаолият юритаётган корхоналар оз эмас, бироқ «СулШерЖаҳон» тамғаси билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар нисбатан харидоргирроқ. Бунинг боиси, хусусий корхона жамоаси талаб ҳамда таклифларни чуқур ўрганган ҳолда, маҳсулот сифат ва салмоғини оширишга ҳаракат қилмоқда.

Мазкур корхонанинг ташкил этилишида тадбиркор Шерали Султоновнинг хизмати катта. Ўтган тўрт йил мобайнида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 20 бараварга оширилди. Австриянинг «Шаллер», Россиянинг «Воронеж механика заводи»дан харид қилинган замонавий технологик асбоб-ускуналардан самарали фойдаланиш, ишчи-ходимларнинг малакасини ошириш, уларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш ютуқлар гарови бўлди.

Масалан, бултур рентабеллик даражаси 2009 йилга нисбатан 25 фоизни ташкил этди. Истеъмол моллари ишлаб чиқаришдан келган даромад 7 миллиард сўмдан ошди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархини арзонлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳам чакки эмас. Чунончи, колбаса маҳсулотлари тайёрлаш учун муҳим хомашёлардан саналган шпик ва тримминг тўғридан-тўғри мол етказиб берувчи компаниялар орқали келтириляпти. Шу сабаб бу ерда истеъмол моллари тури бир йилда 10 тага кўпайиб, 52 тага етди.

Бундан ташқари, сутни қабул қилиш ва уни қайта ишлаб, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Шу тариқа 33 та иш ўрни яратилиб, 25 нафар ёш мутахассис доимий меҳнатга жалб этилди. Цехда айни пайтда қатиқ, творог, сузма, сметана, қаймоқ, пишлоқ, музқаймоқ каби 30 хилга яқин маҳсулот тайёрланяпти.

— Янги режалар асосида фаолият кўрсата бошлаганимизга ҳам анча бўлиб қолди, — дейди корхона раҳбари Ш.Султонов. — Айни пайтда мавжуд технология қуввати йилига минг тонна гўштни ва 500 тонна сутни қайта ишлаш имконига эга. Амалдаги йилнинг биринчи ярмида 460 тонна гўшт ва 200 тонна сут қайта ишланиб 3,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Натижа ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 10 фоизга кўп. Албатта, ушбу кўрсаткичлар чегара эмас. Ҳозирги пайтда маҳсулотларимиз нафақат Бухорода, балки Навоий ва Қашқадарё вилоятларида ҳам сотилмоқда. Боз устига қўшни Туркманистон Республикаси томонидан тушаётган таклифлар ўрганиляпти. Шу тариқа йил охирига қадар 8,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш назарда тутилган.

Айни чоғда сутни қайта ишлаш цехини модернизация қилиш учун 52 миллион сўмлик лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиб, пастернизация қилинган сутни қадоқлаш, маҳсулот сифатини яхшиловчи гомогенизатор ускунаси ўрнатиш борасида иш олиб бориляпти.

Гўштни қайта ишлаш цехи ҳам модернизация қилинди. Бу ерда яқинда лойиҳа-смета қиймати 365 миллион сўмлик иш ниҳоясига етказилади. Истиқболдаги режалар янада салмоқли. Маҳсулот таннархини арзонлаштириш мақсадида бўрдоқичиликни йўлга қўйиш, шу йўналишда 20 та қўшимча ишчи ўрни яратиб, жамоа ишчи-ходимлари сонини 80 кишидан ошириш хусусида жиддий бош қотирилмоқда.

Белгиланган режаларни амалга оширишда жамоа ишчи-мутахассисларининг фидойилиги, уларга корхона раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитасининг эътибори алоҳида аҳамият касб этади. Ишлаб чиқаришдан келаётган фойданинг бир қисми ходимларга қулай иш, дам олиш шароитлари яратиш, улар саломатлигини мустаҳкамлаш, фарзандларига ғамхўрлик кўрсатиш, саёҳатлар ташкил этиш каби мақсадлар учун сарфланяпти. Шунингдек, шаҳарни ободонлаштиришга, Меҳрибонлик уйи, кўзи ожизлар ва махсус мактаб-интернатлар, чернобилчилар, кам таъминланган оилалар ҳамда ногиронларга имкон қадар кўмаклашилмоқда.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# «Ласетти» минган аёллар

**Семинарда Окдарё туманидан келган 30-35 ёшлардаги Озода Абдуҳамидова эътиборимни тортди.**

— Саккиз йил «Лоиш» деҳқон бозорида якка тартибдаги тадбиркор сифатида фаолият юритдим, — деди у. — 2008 йил туман ҳокимлиги ажратиб берган ерда «Қутбинисо-Рухшона-Забона» масъулияти чекланган жамияти ташкил этиб, тадбиркорлик фаолиятимни кенгайтирдим. Иккита дўконим бор. Бирида озиқ-овқат маҳсулотлари сотилса, бошқасида замонавий, бежирим либослар билан савдо қилинади. Умумий овқатланиш шохобчаси эса хўрандалар билан гавжум.

***— Ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйганмисиз?***

— Онам Ойимхол опа болалигимдан чеварликни менга сингдирган. Тикувчилик цехи ташкил этиб, 20 нафар хотин-қизни ишга жалб этдим. Биз тикаётган аёллар кийимининг харидори кўп. Боғча ва бошқа ташкилотлардан тушган буюртмаларни ҳам бажарамиз.

Турмуш ўртоғим шифокор. Бир ўғил, бир қизни катта қилаяпмиз. Келгусида улар биздан-да ўктамроқ, бахтлироқ бўлиши, юртимиз тараққиётига хизмат қилиши керак. Бунинг учун уларни тўғри тарбиялашимиз, қалбларига эзгулик уруғини экишимиз жоиз.

Рўзғоримиз бадастир. Аввал «Матиз» машинаси сотиб олгандим. Кейин «Нексия»га айлантирдим. Ҳозир эса «Ласетти» миниб юрибман. Яратганга шукр, бари тадбиркорлик орқасидан. Даромадимиздан Лоиш «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиларига имкон қадар саховат кўрсатяпмиз. Йигирма уч нафар ёлғиз қарияга ҳар ой арзонлаштирилган нархда озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатяпмиз.

***— Семинар сизга нима берди?***

— Қонунчилик, солиқ соҳаси ва республика иқтисодиётига доир мен билмаган маълумотлар кўп экан. Ҳамкасблар билан яқиндан танишиб, ўзаро фикр алмашдик. Ажойиб дўстлар орттирдим. Айниқса, юқоричирчиқлик тадбиркор Гулчеҳра Ўтбосарова кўнглимга яқин бўлиб қолди.

Г. Ўтбосарова деганлари — қип-қизил камзул кийган, кўркамгина аёл ёнимизга келиб ўтирди. У ҳам фаолиятини якка тартибдаги тадбиркорликдан бошлаган. Кейин эса «Нозима люкс сервис» хусусий корхонасини очган.

— Корхонани даставвал Янгибозор қўрғони марказида ташкил этдик. Кейинчалик Жумабозор қишлоғида унинг шохобчаси фаолият кўрсата бошлади. Корхонанинг замонавий икки қаватли биносини бунёд этиш учун «Халқ банки»нинг туман филиалидан 40 млн. сўм миқдорида кредит олдик. Айни чоғда тикувчилик, сартарошлик, расмчилик, тўй либосларини ижарага бериш ва бошқалар билан шуғулланяпмиз. Бу ерда 10 дан зиёд ишчи-ходим меҳнат қилмоқда. Янгибозор қўрғонида ташкил этган ўқув марказимизда 12 йўналиш бўйича машғулотлар олиб борилаётир.

Меҳнатнинг роҳатини туйиб яшаяпман. Хонадонимиз фаровон, «Ласетти» автобилим узоғимизни яқин қилаяпти. Бахтли аёлман, десам бўлади.

**Азиза ИСКАНДАРЗОДА,**
**журналист**



***Корхонамиз ўтган йили ташкил этилган бўлиб, асосан табиий ипакдан гилам ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Шунингдек, бу ерда хонатлас ва адрас матолари ҳам тўқилмоқда. Менежер Толибжон Эгамбердиев ишларни янада ривожлантириш мақсадида астойдил саъй-ҳаракат қилмоқда.***

# Ўзбек ипак гиламлари

Дастлаб 60 нафар ишчи-ходим билан иш бошланган бўлса, айни чоғда 558 киши меҳнат қилаётир. Иш икки сменада ташкил этилган. Ишчи-ходимларнинг унумли меҳнат қилиши, вақтида ҳордиқ чиқариши ва саломатлигини тиклаши учун барча шарт-шароит муҳайё. Бу йил ёзги дам олиш мавсумида ишчи-ходимларнинг 11 нафар ўғил-қизи болалар оромгоҳида дам олдирилди. Ишловчилардан бир нечаси сиҳатгоҳларда саломатлигини тиклади.

Айни чоғда маҳсулотларимизни Японияга экспорт қилаяпмиз. Япон мутахассиси Якоямасан иш юритишда бизга яқиндан кўмаклашмоқда. Корхонадаги мавжуд 4 та цехнинг барчаси япон технологияси билан жиҳозланган.

Семинар, очиғи, менга ёқди. Қонунчиликка доир ўқишлар ниҳоятда фойдали бўлди. Руҳшунос олимнинг маърузаси ҳам катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, унинг: «Ҳар бир тадбиркор, шунингдек, бошланғич касаба уюшма қўмитаси раисида руҳшунослик қобилияти бўлса ёмон бўлмасди. Чунки, улар одамлар билан ишлайди. Ҳар бир кишининг руҳиятини англаб, шунга қараб муомала қилинса, нур устига нур бўлур эди», деган фикри миямга ўрнашди.

**Гулчеҳра ҚОЗОҚБОЕВА,**
**Наманган шаҳридаги «Силк инвест» МЧЖ бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси**



# Фаолиятимизда қўл келади

***Базамиз тасарруфида 30 та дўкон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси бўлиб, аҳолига озиқ-овқат маҳсулотларини арзон нархда етказиб берамиз. Раҳбаримиз Шуҳрат Шарипов ишларимизнинг юксак даражада бўлишини таъминлаяпти.***

Жамоамиз аҳли 250 кишидан иборат. Мавжуд жамоа шартномасида ҳуқуқ ва манфаатларимиз тўла кафолатланган. Бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Ёқубжон Эргашев ишчи-ходимларнинг саломатлигига катта эътибор қаратмоқда. Соғлигини тиклашга эҳтиёж сезган ходим йўлланма олиб, сиҳатгоҳларда дам олиши мумкин. Ойлик маош вақтида бериб турилибди. Бепул тушлик ташкил қилинган.

Оиламиз фаровон, турмуш ўртоғим билан икки фарзандимизнинг келажаги деб ишлаб ётибмиз. Дўконимиз бор. Келгусида тадбиркорлик фаолиятини янада кенгайтириш ниятидамиз.

Семинарга келиб, дунёқарашим кенгайди. Ажойиб кишилар билан танишдим. Машғулотлар фаолиятимизни янада кенгайтиришга ёрдам беради, албатта.

**Маҳфуза МИРЗАЕВА,**
**Риштон туманидаги «Савдо инвест» МЧЖ ходими**

# Ўзимизга мос ва хос



***Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмаси Сариосиё туман кенгаши раисиман. Кенгаш таркибидаги 10 та бошланғич ташкилотга 1200 нафар аъзо бирлашган бўлиб, уларнинг манфаати, ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси йўлида сидқидилдан хизмат қилаяпмиз.***

Ишчи-ходимлар саломатлиги доимий эътиборда. Шу йил 6 нафар ходим «Ситораи Моҳи Хоса», 4 нафари эса «Жайронхона» санаторийларида саломатлигини тиклади.

Касаба уюшма соҳасида ишлаш билан бирга тадбиркорликка ҳам қўл урдим. «Моҳларойим» тикув корхонасида 10 нафар чевар ҳамжиҳатликда туманимиз аҳолиси дидига мос либослар, кўрпа-кўрпачалар, ёстиқ жилди ҳамда чойшаблар тикаяпмиз. Бундан ташқари, Фарҳод посёлкасидаги «Аёл» мурувват уйи, боғча ва бошқа ташкилотлардан тушаётган буюртмаларни ҳам бажараяпмиз. Кейинчалик ўқув маркази ташкил этиб, чеварликка қизиққан хотин-қизларга ҳунар ўргатиш режамиз бор. Ички бозоримизни маҳсулотларимиз билан тўлдириш асосий муддаомиз. Сифат ва самарадорликка эришиб, харидор кўнглига йўл топа олсак, демак, марра бизники.

**Гулбаҳор ДАВИДОВА,**
**Сариосиё туманидаги «Моҳларойим» хусусий корхонаси раҳбари**

**Қўшсаҳифани «Ishonch» мухбири Шарофат НОРҚУЛОВА тайёрлади.**

*Меҳнат муҳофазаси*

**«Касаба уюшмалари қанчалик кучли бўлса — иш жойи шунчалик хавфсиз бўлади»**
*(Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг V Қурултойида эълон қилинган стратегик тамойил)*

# Муаммо бошланғич ташкилот назоратида

«Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунининг 24-моддасида: «Касаба уюшмалари давлат ва хўжалик идоралари ходимларининг меҳнатини муҳофаза қилишга доир ҳуқуқларини ҳимоя қиладилар, унинг рўёбга чиқарилиши устида назоратни амалга оширадилар» дейилган. Бу борада Бойсун туманидаги 39-умумий ўрта таълим мактабининг Наима Умарова бошчилик қилаётган бошланғич касаба уюшма қўмитаси олиб бораётган ишлар диққатга сазовор.

Касаба уюшма қўмитаси ва мактаб маъмурияти ҳамкорлигида меҳнат жамоасида меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича тадбирлар тез-тез ўтказилиб, соҳа учун жавобгар бўлган масъул ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлиги оширилмоқда.

Касабақўмнинг таклифи ва бевосита аралашуви билан мактабда меҳнат муҳофазаси ва ёнғин хавфсизлиги бурчаклари ташкил этилиб, қўлланма ҳамда низомлар билан бойитилди. Касабақўмнинг 5 нафардан иборат меҳнатни муҳофаза қилиш комиссияси томонидан 2011 йилда икки маротаба ходимларга яратилган меҳнат шароитлари ва меҳнат муҳофазасининг аҳволи текширилиб, аниқланган ўндан ортиқ камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан билдирилган таклифлардан иборат далолатнома мактаб маъмуриятига тақдим этилди. Унда меҳнат муҳофазаси ва ёнғин хавфсизлиги бурчакларини қўшимча жиҳозлаш, мактабни доимий ичимлик суви билан таъминлаш, меҳнат муҳофазаси жамғармасини ташкил этиш, мактабнинг иситиш тизимининг газ тармоғига узлуксиз уланишига эришиш каби муаммо ва камчиликлар кўрсатилди. Мактаб маъмурияти ва касаба уюшма қўмитасининг саъй-ҳаракатлари билан далолатномада қайд этилган камчиликлар асосан бартараф этилиб, иситиш тизими газ тармоғига уланди ва мактабга ичимлик суви олиб келинди. Меҳнат муҳофазаси жамғармаси ташкил этилди.

Маъмурият билан ҳамкорликда ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тарғиб этиш ва санитария-гигиена ҳолатини яхшилаш бўйича ўқув-семинарлари ташкил этилиб, мактаб ўқитувчилари, ўқувчилари ва ишчи-хизматчилари жалб этилди. Унда Бойсун туман ёнғин хавфсизлиги ҳамда санитария-эпидемиология станциясининг масъул ходимлари амалий машғулотлар ўтказдилар.

Таъкидлаш лозимки, олиб борилган ишлар ўз самарасини бермоқда. Мактабнинг бошланғич касаба уюшма қўмитаси касаба уюшмалари тизимида ўтказилаётган «Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлигини энг яхши ташкил этиш» бўйича эълон қилинган республика кўрик-танловининг туман ва вилоят босқичларида фаол иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритди ва республика босқичига йўлланма олди.

**Ф.ҲАМДАМОВ,**
**Бойсун туман таълим, фан ва маданият ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси**

*Ҳаёт ва қонун*

# Бизга жавоб беришди

***Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ДТ «Халқ банки»да ўтказган текшируви чоғида пойтахтдаги бошланғич касаба уюшма ташкилотларига хизмат кўрсатувчи ушбу банк филиаллари томонидан ҳисоб рақами айланмаси бўйича минимал иш ҳақининг 1 (бир) баробари миқдорида банк хизматига ҳақ ундиришни жорий этиш ҳолати ноқонуний деб топилди. Аммо баъзи банклар томонидан ҳанузгача абонент тўловлари ундириб келинаётганлиги ҳақида газетамизнинг жорий йил 124-сонида Тошкент шаҳар истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси кенгаши раисининг ўринбосари А.Сафаровнинг «Касаба уюшмалари умид қилса бўладими?» сарлавҳали мақоласи эълон қилинганди.***

Яқинда Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси бошлиғи У. Баҳодировдан ДТ «Халқ банки»нинг Тошкент шаҳар филиали томонидан туман филиалларидаги касаба уюшма ташкилотларидан жорий йилнинг 1 январидан 23 октябригача ундирилган абонентлик тўловлари қайтариб берилганлиги тўғрисида жавоб хати олинди.

Шунингдек, Қоракўл туман тиббиёт бирлашмаси ходимаси Гулчирой Бешимованинг 1305637 сўмлик ҳомиладорлик таътили пулини ундириб бериш тўғрисидаги аризаси Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашига ўрганиш учун жўнатилган эди. Марказий кенгашнинг талабига асосан туман тиббиёт бирлашмаси ходимлари, жумладан, Г. Бешимованинг таътил пуллари тўлаб берилганлиги тўғрисида Марказий кенгаш раиси Б. Маҳмадалиевдан жавоб хати олинди.

**«Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт» бўлими**

# Мукаммал ҳуқуқий хизмат

***Мамлакатимиз фуқароларининг асосий қонунимизда белгиланган ҳуқуқларидан фойдаланиши ва унда белгиланган бурчларини бажаришида аҳолига кўрсатилаётган ҳуқуқий хизматнинг алоҳида ўрни бор.***

Мустақиллик йилларида аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатишнинг мукаммал тизими яратилди. Айниқса, сўнгги йилларда бу йўналишда амалга оширилган бир қатор ташкилий-ҳуқуқий ишлар туфайли фуқароларга ҳуқуқий хизмат кўрсатиш сифати янада ошди.

Маълумки, давлат нотариал идоралари зиммасидаги фаолият замирида ҳам асосан фуқароларга ҳуқуқий хизмат кўрсатиш вазифаси устувор. Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг миқёсдаги ислоҳотларнинг самараларидан бирини мазкур соҳада амалга оширилган ижобий ўзгаришларда ҳам кўриш мумкин. Президентимизнинг 2010 йил 5 майдаги «Ўзбекистон Республикасида нотариал институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида белгиланган чораларнинг ҳаётга татбиқ этилиши туфайли давлат ноториал идоралари фаолияти янада мукамаллашди ва энг муҳими, фуқароларга малакали нотариал ҳуқуқий хизмат кўрсатиш кафолати таъминланди. Шунингдек, вилоят адлия бошқармалари ҳузурида фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг зарурат туғилганда мурожаат этиши ва уларга тез ҳамда аниқ маълумот берилишини таъминлаш мақсадида нотариал ҳужжатлар сақланувчи архивларнинг ташкил этилганлиги ҳам соҳа фаолиятини такомиллаштиришда катта аҳамиятга эга бўлди.

Фуқароларга ҳуқуқий хизмат кўрсатиш таянчи кенг қамровлидир. Бу масъулиятли вазифа билан ФҲДЁ идоралари, корхона ва муассасалардаги ҳуқуқий маслаҳатчилар, кўплаб давлат ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз йўналишларида фаолият кўрсатишаётир. Бу албатга, аҳолининг ўз ҳуқуқий билимини оширишга бўлган қизиқиши ортиб бораётганлигининг ифодасидир.

**Муҳаббат ХУДОЙБЕРДИЕВА,**
**Гулистон шаҳридаги 3-нотариал идораси нотариуси**

# Омон бўлинг, МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2011-yil 22-noyabr № 139 (3020)

Ўзбекистон — ватаним маним

# Олтиариқ мўъжизаси

**Фарғона деганда гўзал водийнинг сўлим гўшалари — бол томган мевазорлару, токзорлари, анорзорлари-ю, оромбахш соя-салқин масканлари, пасту баланд тоғ ва адирлари кўз олдингизга келади. Не-не ўзбек адиблари ўз ижодида бу мўъжизакор юртни қаламга олмаган, жўшиб мадҳ этмаган.**

Бундай мўъжизалар ёнига 1950 йилларда яна бири қўшилди. Ўша даврда геолог, олим ва мутахассислар Олтиариқ туман марказидан 18 км. ичкаридаги Қизилтепа қишлоғи ер майдони нефт конларига бой деб тахмин қилганлар. Шу сабабли водийдаги нефт қидирув гуруҳининг И.Журавлёв раҳбарлигидаги бригада аъзолари М.Қозиев, С.Кузнецов, А.Қаюмов, Б.Саримсоқов, Т.Аҳмедова, жами 25 нафар азамат чўл бағрига парма санчиб, қулоқ солдилар. Омадни қарангки, 1756 метр чуқурликдан нефт ёки газ эмас, 41 даража иссиқликдаги тиниқ минерал сув отилиб чиқди. Сувни ичиб кўришди — таъми ёқимли. Чўмилиб кўришса, роҳатбахш. Бу ғаройиб сувни зудлик билан Тошкентга таҳлил учун жўнатишди. Олинган жавобда унинг «Хлорид-гидрокарбонат-сулфат-натрийли минерал сув» эканлиги ҳамда таркибида бошқа микроэлементлар ҳам мавжудлиги таъкидланган эди. Тажриба қилиб кўрилганида, бу сув ичганда ҳам, чўмилганда ҳам инсонга шифо бахш этиши аниқланди.

Мутахассислар унинг оёқ-қўл, умуртқадаги бўғим, ошқозон-ичак, жигар, ўт пуфаги, қисман асаб касалликларини даволаш учун яроқли эканлиги ҳақида хулоса бердилар. Сувнинг таърифини эшитганлар бу ерда ҳовуз кавлаб, шифо топа бошладилар. 1951 йили Фарғона вилоят соғлиқни сақлаш бўлими булоқнинг кунботар томонида 15 ўринли шифохона қуришга киришди ва у 1956 йилда ишга туширилди. Шу йили хизмат сафари билан вилоятга келганимда мен ҳам унинг ваннасига тушиш шарафига муяссар бўлган эдим.

Шу тариқа бу шифо масканининг теварак-атрофида боғ ва гулзорлар барпо этилди. Турли қулайликлар яратилди. Даво истаб келувчилар сони орта борди. Касалхона ёнида санаторий қурилди, унга каттагина ер ажратилиб, турли шифобахш, мевали ва манзарали дарахтлар экилди.

Айниқса, меҳнат фахрийси, иккинчи жаҳон уруши қаҳрамони Мамашариф Фаёзов билан Ражаб ота Қаюмовларнинг саховатини таъкидлаб ўтиш керак. Улар фахрийларга бош бўлиб, Чуст шаҳридан турли дарахт кўчатларини келтириб 0,5 гектар ерга экишди ва унга «Чуст боғи» номини бердилар. Узоқдан қатнаб ишловчи ходимлар учун ётоқхоналар қуриб берилди.

1983 йилда санаторийнинг даволаш биноси қуриб битказилди ва фойдаланишга топширилди. Энди ҳам ичиладиган, ҳам ванналарга қуйиладиган минерал сув қувур орқали оқиб кела бошлади. Сувнинг зарур даражадаги иссиқлиги таъминланди. Санаторий кенгайтирилиб, барча қулайликларга эга бўлган бир ва икки кишилик палаталар яхшилаб жиҳозланди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин санаторий янада обод бўлди. Муассаса бош шифокори Шоҳсанам Мингалиева, шифокорлардан Муҳаббатхон, Илҳомжонларнинг хушмуомалалиги ва меҳрибонлиги, тиббий ходимлардан Гулбаҳор, Кумушой, Мухторжон, Назокатбону ва бошқаларнинг масъулият билан хизмат қилиши дардингизни енгиллаштириб, кайфиятингизни кўтаради.

Масканда минерал сув ваннаси, айланма душ хонаси, ошқозон ва ичакларни ювиш, уқалаш, ингаляция, гидроаэроионизация, парафин-озокерит хоналари, бадантарбия ва тренажёр зали, электр ёрдамида даволовчи турли хоналар, шифобахш ўтлардан дамлама тайёрлаб бериш зали, тиш даволаш хонаси, минерал сув ичиш галереяси каби муолажа турлари мавжуд.

Бу ерда тўртинчи бор дам олишим. Ҳар сафар бўлганимда турли минтақалардан келган кишилар билан суҳбат қуриб, республикамиз бўйлаб сайр қилгандек бўламан. Қорақалпоғистонлик Кайипберган ота, сурхондарёлик Файзулло, наманганлик Ҳошимжон, андижонлик Эркинжон, бухоролик Каримжон, қўқонлик Муқимжон каби дам олувчилар билан гурунг қизиб, вақт қандай ўтганини билмай қолардик.

2011 йилнинг сентябригача бу санаторийда йилига 8-10 минг уруш ва меҳнат фахрийси ўз сиҳат-саломатликларини тиклаб, яна қанча-қанча кишилар теварак-атрофдаги хонадонларда яшаб, мўъжизали сувдан шифо топди. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида бу ерда катта воқеа бўлиб ўтди.

Санаторийнинг мавжуд 5 та биноси ёнида 100 ўринли янги муҳташам бино қурилиб, фахрийлар ихтиёрига топширилди. Ундаги 1 ва 2 кишилик хоналар жаҳон талаблари даражасидаги қулайликлар билан таъминланган.

**Собит ТОИРОВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, меҳнат фахрийси**

Кўргазма



*Тошкент фотосуратлар уйида VI Art Week Style.uz санъат ҳафталиги доирасида «Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми» жамғармаси, Япония фотоиндустрия институти ва Ўзбекистон бадиий Академияси томонидан ташкил этилган «Токиога 100 йил» фотокўргазмаси бўлиб ўтмоқда.*





# «Токиога 100 йил»

Ушбу кўргазма шу пайтгача Европа ва Яқин Шарқнинг 20 та давлатида ўтказилган бўлиб, Ўзбекистон — МДҲ ичида мазкур кўргазма ўтказилаётган биринчи мамлакат ҳисобланади. Кўргазма Ўзбекистондан кейин Санк-Петербург(Россия) шаҳрига йўл олади. 40 нафар муаллифлар орасида Shotaro Akiyama, Taro Dosho, Shinzo Hanabusa, Tadahiko Hayashi, Kensuke Hijikata ва бошқаларнинг жами 360 та фотоасари кўргазмадан ўрин олган.

Кўргазма ҳали Токиода бўлмаган, аммо япон халқи тарихи, маданияти ва турмуш тарзи билан қизиқадиган кишилар учун ўзига хос совға дейиш мумкин. Фотосуратларни томоша қиларкансиз, ўзингизни худди Японияда юргандек ҳис қиласиз. Суратлар 100 йил олдинги ҳаёт ҳақида маълумот берса-да, уларга боққан киши Токионинг бугунги манзарасини хаёлан кўз олдида жонлантира олади.

Кўргазма ташкилотчиларидан бири — Япония фотоиндустрия институти президенти Маюми Мориама хонимдир.

2006 йилнинг июл ойида Япония фотоиндустрия институти «Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми» жамғармаси ва «ЛДПЯ-Ўзбекистон» дўстлиги парламент лигаси билан ҳамкорликда «Ўзбекистон фотографиясига 125 йил» фотокўргазмаси ва унинг каталог-анталогияси ҳамда Японияниг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Кёко Накаяманинг «Ўзбекистон Сакураси» китоблари тақдимоти ўтказилганди.

Маълумот сифатида шуни айтиб ўтиш керакки, институт 2012 йилнинг март-апрел ойларида Токио шаҳрининг фотокамералар музейида Ўзбекистон ва Япония дипломатик муносабатларининг 20 йиллигига «Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми» жамғармасининг «Тошкент: кеча ва бугун» ҳамда «Форум фонди Ўзбекистонни таништиради» кўргазмаларини ўтказиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлади.

**Назира БОЙМУРОДОВА,**
**«Ishonch» мухбири.**
**Муаллиф олган суратлар**

«Обуна — 2012»



## «Ishonch»га обуна бўлишди

Мамлакатимизда барча нашрларга обуна қизғин давом этмоқда. Лекин моддий жиҳатдан ҳамма ҳам севиб ўқийдиган газета ва журналларига обуна бўлолмаслиги мумкин. Ана шуни эътиборга олган ҳолда жойлардаги касаба уюшма ташкилотлари имконияти бўлмаган ходимларнинг «Ishonch» газетасига обуна бўлишида кўмак бермоқда.

Яқинда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг 10 нафар ўқитувчи ва ходимлари Сирдарё вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бирлашган касаба уюшма қўмитаси ҳисобидан «Ishonch» газетасига обуна қилиб берилди. Эндиликда улар ўзларининг севимли газеталарини мириқиб мутолаа қиладиган бўлишди.

**Р. АБДУСАЛОМОВ,**
**Сирдарё вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси**

Инклюзив таълим

*Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқулари давлат ҳимоясидадир.*

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 45-моддаси

# Ҳеч ким эътибордан четда эмас

**Сардорбек Дилбоев 13 ёшда. У Қашқадарё вилояти Косон туманидаги 1-ўрта таълим муассасасининг 5-синфида таҳсил олади. Жисмоний имконияти чекланганини боис унга уйида таълим берилади.**

Сардор дарс жараёнида устози Феруза Жунусбекова берган топшириқларни бажариб, намунали ўқувчи бўлишга ҳаракат қилади. Бўш вақтида кўпроқ расм чизиш билан шуғулланади.

— 7 нафар имконияти чекланган ўқувчига ўз хонадонида таълим берилади. Улар доим эътиборимизда, — дейди маънавий-маърифий ишлар бўйича директор муовини Д.Ризоқулова. — Жумладан, Сардор ҳам парта, стол, доска билан таъминланган. Ўқув йили бошида мактаб сумкаси ва ўқув қуроллари ҳадя қилинди.

Янги йил Сардоржон учун чинакамига омадли келди. Косон туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими томонидан унга ногиронлик аравачаси топширилди. Бундай ғамхўрликдан унинг ота-онаси ҳам мамнун.

Энди Сардор Косон туман Ёшлар марказидаги тасвирий ва амалий санъат, компютер саводхонлиги тўгаракларига қатнаб, билим ва маҳоратини янада ошириши мумкин.

**Жобир ИСМАТУЛЛАЕВ**

***Солижон Умидов оиласида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеа юз берди. Қизилтепа туманининг «Ванғози» қишлоқ фуқаролар йиғини Маҳалла қишлоғида яшовчи бу чорвадорнинг сигири бир йўла учта бузоқ туғди.***

# Бир йўла учта бузоқ!

Эшитмадим деманглар

Қизиғи шундаки, анча-мунча шов-шувга сабаб бўлган воқеага оиладагилар одатий ҳолдек қарашмоқда. Нега, дейсизми? Бу ҳақда, яхшиси, унинг ўзи гапириб бера қолсин:

— Бир куни менга ветврач Нурали Сиддиқов «Қизилчўл» зотли сигирдан сотиб олишимни маслаҳат берди. Унинг маслаҳатига кириб янглишмаган эканман. Мана, уч йилдирки, зотли сигирим учтадан бузоқ туғяпти. Ҳозирги кунда хонадонимда 4 та зотдор сигир ва 10 та бузоқ парваришланяпти. Тўғри, мол парваришлашнинг ҳам ўзига хос машаққатлари бор. Аммо, даромад ҳам ҳаракатга яраша-да. Рўзғордан орттириб, янги ҳовли қурдик. «Нексия» автомашинаси сотиб олдик. Ахир «зотли» ҳўкизлар 2,5-3 ёшлигидаёқ 600-700 кг.гача тош босяпти.

Азиз тадбиркорлар, сиз бунга нима дейсиз?

**Мансур АЛОВУДДИНОВ**

Устозга таъзим

## «Агар ҳаёт бўстон бўлса, боғбон муаллим...»

Шоирлар ўқитувчини миллатнинг кўрар кўзига ўхшатиши бежиз эмас. Дарҳақиқат, устоз, мураббий нурли маёқ каби ҳар биримизнинг ҳаёт йўлимизни белгилаб олишимизга кўмак беради.

Устозим — Зухра опа Рўзметова ижодкор бўлгани учун иқтидорли ёшларга доим ғамхўр. Уларни қўллаб-қувватлаб қўлидан келганича ёрдам беради. У 11 йил аввал ташкил қилган иқтидорли ёшларнинг «Нафосат» клуби овозаси олис-олисларгача етиб борган. Устозимнинг саъй-ҳаракати меваси сифатида клуб аъзоларидан бир нечаси «Зулфия» номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Устозимиз 60 ёшини куч-ғайратга тўлган ҳолда кутиб олмоқда. Энг яқин сирдош ва меҳрибон онамиздек бўлиб қолган устозимиздан ижод сирларини ўрганиш билан бир қаторда қадимги Хоразм тарихи, Хива обидалари, миллий қадриятлар, анъана-ю урф-одатларини ўрганиш юзасидан изланишлар олиб бормоқдамиз. Шунингдек, нуфузли кўрик-танловларга ҳам устоз кўмагида тайёрланамиз. Ишончим комилки, шогирдлар камоли устозларимиз ҳаётини янада мунаввар этади.

**Ўғилжон АБДУЛЛАЕВА,**
**Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги 2-сон академик лицей талабаси**

Амалиёт

***ЎзМУ ўзбек филологияси факультети нафақат филологлар, балки таълим соҳасига ҳам кадрлар тайёрлайди. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар битирувчи талабаларни мактабда амалиёт ўтаб, педагогик маҳоратларини шакллантиришни ҳам тақозо этади.***
***Жорий ўқув йилида талабалар 4 та умумтаълим мактаби ва академик лицейда амалиёт ўташди. Амалиётга ажратилган икки ойлик муддатнинг 12 кунини кузатув дарслари ташкил қилди. Шундан сўнг дарсни мустақил ташкил қилишга рухсат этилди.***



# Фикримга қўшилинг: янглишмайсиз

Ўқувчиларга сабоқ бериш баробарида дарсдан бўш вақтларда улар билан бевосита мулоқотда бўлдик. Ўзимиз сабоқ берган ўқувчиларнинг кайфияти, орзу-интилишлари билан танишдик.

Кузатувлар натижасида англаб етдимки, баъзи ўқувчиларни баҳо тўплаш, рейтинг учун ким ўзарга ўйнаш кўпроқ қизиқтиради. Баҳо учун тайёрланган юзаки дарслар эса ўқувчи хотирасида сақланмай, тезда ўчиб кетади.

Назаримда, яна бир гуруҳ ўқувчилар синф давоматини таъминлаш, ўқитувчидан «дакки» эшитмаслик учун мактабга келаётгандай. Ана шундай бир боланинг гапи: «Билим керак бўлса, репетиторга қўшимча машғулотга бораман». Ўқувчининг қўшимча дарсларга боргани яхши, бироқ дарс давомида ўтиладиган мавзуларни шу жараённинг ўзида ўрганмасдан қўшимча дарсда ўзлаштиришни мўлжаллаши нотўғри ҳолат эмасмикин?! Ўқувчи нега мактаб дарсларини эмас, репетиторни хоҳлади?! Бу ҳақда ҳам бир ўйлаб кўринг!

Дарслар сифати индивидуал ўқитишдагидек бўлмаслиги ҳақиқат. Тан олиш керакки, дарсга ажратилган 45 дақиқа мобайнида барча ўқувчи диққатини бир маромда ушлаб туриш, ҳаммага эътибор қаратиш қийин. Боз устига, болалар орасида маълум сабабларга кўра ўзлаштириши сустлари ҳам учрайди. Бундай болалар қўшимча дарсга эҳтиёж сезишади. Ота-она эса осон йўл танлайди: уни репетиторга беради. Натижада, боланинг фикри чалғийди, дарсга меҳри, ўқитувчисига муносабати ўзгаради. Шу тўғрими?!

Юқорида айтиб ўтилган фикрлар бўлажак ўқитувчининг амалиёт машғулотларида тўплаган мулоҳазалари. Сабаби, фикрлар барчамизга азиз — миллат келажаги бўлган болалар ҳақида. Уларнинг тарбияси, билим олиши ва келажагига кўприк бўладиган мактаб фаолияти ҳақида.

Мендек битирувчи талабанинг келгуси ҳаёти болалар таълим-тарбиясига қаратилган экан, шу ўринда бир ҳақиқатни ота-оналарга уқтиргим келди: бугун дунё бўйича 13 фоизгина киши бепул билим олар экан. Шу ҳисобда Ўзбекистон ёшлари кўпчиликни ташкил этади. Чунки, кўп давлатларда мактаб таълими пулли олиб борилади. Бизда эса барча имкониятлар ёш авлод камолига қаратилган.

**Озода САРАФРОЗ,**
**ЎзМУ талабаси**

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят кенгаши АСМ ходимлари касаба уюшмаси Пискент туман кенгаши раиси Низомиддин Зиявиддиновга волидаи муҳтарамаси
**ИНОБАТ аянинг**
вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади.

Insonga naf keltirish – oliy baxt

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:
Normamat ALLAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Muhammad Ali AHMEDOV,
Oksana BELAUSOVA,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Baxtiyor MAHMADALIYEV,
Sog'indiq NIYETULLAYEV,
Eson RAJABOV,
To'lqin TESHABOYEV,
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas'ul kotib),
Anvar YUNUSOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Namangan + 99897 491 79 28;
Samarqand + 99866 708 70 12;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99873 221 93 19;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail: ishonch2011@gmail.com

Nashr ko'rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir:
A.Toshev

Navbatchi:
A. Arslonov

Musahhih:
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bosishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 19.30

Буюртма Г — 1111

12968 nusxada bosildi

1 2 3 4 5